

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Сарманов Обиджон Баходирович

“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси бош мутахассиси педагогика  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10981101>

**Аннотация.** Мақолада таълим турлари бўйича таълим стандартларини ишлаб чиқишда узвийлик ва узлуксизлик принципларини таъминлаш ва уларга талабларни белгилаш очиб берилган. Таълим стандартларни ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш, ўқитиш натижаларига талабларни белгилаш ва баҳолаш индикаторларини киритиш орқали таълим сифатини мониторингини қилиб бориш ёритиб берилди.

**Калим сўзлар:** давлат стандарти, давлат таълим стандарти, давлат таълим талаблари, компетенция, ўқитиш натижалари, баҳолаш индикатори.

**Abstract.** The article reveals the provision of the principles of continuity and continuity in the development of educational standards on types of education and the definition of requirements for them. Education was highlighted by ensuring continuity in the development of standards, setting requirements for the results of training and making the quality of Education monitor by introducing assessment indicators.

**Keyword:** state standard, state educational standard, state educational requirements, competence, training results, assessment indicator.

**Аннотация.** В статье раскрывается обеспечение принципов преемственности и неразрывности в разработке образовательных стандартов по видам образования и определение требований к ним. Особое внимание уделялось образованию, обеспечивая преемственность в разработке стандартов, устанавливая требования к результатам обучения и осуществляя мониторинг качества образования путем введения оценочных показателей.

**Ключевые слова:** государственный стандарт, государственный образовательный стандарт, государственные образовательные требования, компетентность, результаты обучения, показатель оценки.

Республикамизда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ 7 та таълим тури ташкил қилинган. Булар:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- профессионал таълим;
- олий таълим
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим.

Бу таълим турлари бўйича амалдаги қонунчиликда таълим ва тарбиянинг мазмунига давлат стандарти, давлат таълим стандарти ва давлат таълим талаблари орқали талаб белгиланади.

Бугунги кунда давлат стандарти мактабгача таълим ва тарбия учун, давлат таълим стандарти умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, профессионал таълим ва олий таълим учун ва давлат таълим талаблари олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва мактабдан ташқари таълим турлари учун жорий этилади.

Мазкур давлат стандарти, давлат таълим стандарти ва давлат таълим талаблари тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳамда давлат таълим талабларини таълим соҳасидаги тегишли ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланган.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики таълим стандартларини ишлаб чиқувчи ва уларни тасдиқловчи органлар бир-бирига бўй-синмайдиган алоҳида давлат органлардан иборатлигини кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида давлат стандарти, давлат таълим стандарти ва давлат таълим талабларининг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлашда муаммолар вужудга келмоқда.

Бундан ташқари таълим стандартларининг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан Давлат таълим стандартлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Лекин бу низом бугунги кунда ўз кучини йўқотган 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Натижада таълим стандартлари учун қўйилган талаблар ва узвийликни таъминлаш элементлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу ўз навбатида таълим турлари бўйича узвийлик ва узлуксизликнинг таъминлашга ҳамда таълимнинг жамият ва меҳнат бозорига интеграцияси таъминлашда муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб биринчи навбатда таълим турлари бўйича ишлаб чиқиладиган таълим стандартларига қўйиладиган талабларни замон талабларига мослаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бунда биринчидан таълим стандартларда таълим олувчиларнинг компетенциясига ва ўқув натижаларига қўйиладиган талабларни давлат, жамият ва меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, иккинчи навбатда таълим жараёнини ташкил қилиш ва педагог кадрларга талабларни белгилаш, учинчидан битирувчиларни баҳолашга алоҳида ёндашувларни жорий қилиш зарур. Чунки халқаро тажрибаларда таълим мазмунига талаб аниқ белгиланганда ўқув натижасини аниқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

Бундан ташқари Ўзбекистон таълим тизимининг таълим босқичлари ва дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан интеграциясини таъминлаш зарур. Буни қуйидагича амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

<b>Даражалар</b>	<b>МСКО таълим дастурлари</b>	<b>Таълим турлари ва таълим дастурлари</b>
МСКО 0	Эрта болалик таълими	Мактабгача таълим ва тарбия
МСКО 1	Бошланғич таълим	Бошланғич таълим (I — IV синфлар);
МСКО 2	Умумий ўрта таълимнинг биринчи босқичи (таянч мактаб)	Таянч ўрта таълим (V — IX синфлар);
МСКО 3	Умумий ўрта таълимнинг иккинчи босқичи	Ўрта таълим (X — XI синфлар). Ўрта махсус таълим Бошланғич профессионал таълим

МСКО 4	Умумий ўрта таълимдан кейинги таълим	Ўрта профессионал таълим
МСКО 5	Олий таълимнинг қисқа цикли	Ўрта махсус профессионал таълим
МСКО 6	Бакалавр ёки эквиваленти	Бакалаврият
МСКО 7	Магистр даражаси ёки унинг эквиваленти	Магистратура
МСКО 8	Докторлик тадқиқотлари ёки унинг эквиваленти	<b>Олий таълимдан кейинги таълим:</b> Таянч докторантура (Doctor of Philosophy (PhD)) Докторантура (Doctor of Science (DSc))
МСКО 9	Таснифланмаган	Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; Мактабдан ташқари таълим.

Таълим турларини халқаро стандарт талабларига интеграцияси таъминлангандан кейин таълим босқичлари ва турларининг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш чораларини кўриш талаб этилади. Буни таълим турлари бўйича давлат стандартлари, давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларни белгилаш орқали амалга оширилади.

Таълим соҳасида таълим стандартларини жорий қилишдан мақсад таълим босқичлари ва турлари бўйича таълим мазмунига, битирувчиларда шакллантириладиган компетенцияларга, ўқув натижаларига, ўқув юкмасининг зарурий ҳажмига ва таълим сифатини таъминлашга талабларни, ўқув натижаларини ва таълим ташкилотлари фаолиятини баҳолаш тартибини белгилашдан иборат.

Шундан келиб чиққан ҳолда таълим стандартларида нафақат «касбий кўникмалар» (Hard skills)га талаб белгилаш, балки «ижтимоий кўникмалар»га (Soft skills) ҳам талаб белгилаш лозим. Халқаро тажрибаларни ўрганадиган бўлсак бугунги кунда таълим дастурларида Soft skillsга талаб белгилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларида ўқувчиларда 4К кўникмаларини шакллантиришга талаблар белгилаш зарур бўлади. Булар танқидий фикрлаш (Critical Thinking), креатив (Creativity), коммуникатив (Соммунисатион) ва жамоада ишлаш (Coordinating With Others) кўникмалари.

Профессионал ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари бевосита давлат, жамият ва меҳнат бозори талабларини инобатга олиб ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунда бугунги кунда республикамизда миллий малака тизимининг жорий этилаётганлигини инобатга олиб давлат таълим стандартлари ва у асосида ишлаб чиқиладиган малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини (таълим дастурлари) касбий стандарт талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 2020 йилда қабул қилинган “Компетенцияга асосланган тренинг (СВТ): амалиётчилар учун кириш кўлланмаси”да ҳам таълим дастурлари бевосита касбий стандартлар асосида ишлаб чиқиши ва баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Давлат таълим талабларида таълим олувчиларнинг касбий салоҳиятини ошириш, халқаро тажрибалар асосида талаблар белгилаш, меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб мослашувчан бўлиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда давлат стандартлари, давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

таълим стандартларини тасдиқлашдан олин камида 20 кун умумхалқ муҳокамасига жойлаштириш;

тасдиқланган таълим стандартларини рақамли платформаларга омма фойдаланиши ва таниши учун жойлаштириш;

давлат, жамият ва меҳнат бозори талаблари асосида такомиллаштириб бориш;

ўқув дастурларида ўқитиш натижаларини халқаро тажрибалар асосида кодлашни жорий қилиш;

ўқувчилар ўзлаштиришини доимий аниқлаш ва мониторинг қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.

### **REFERENCES**

1. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни.
2. Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО-2011).
3. Competency-Based Training (CBT): An Introductory Manual for Practitioners, ISBN [9789220330319 (Print)]